Ҳасанхожа Нисорийнинг "Музаққир аҳбоб" тазкирасига Мажлисий ҳақида шундай ёзилган: "Мавлоно Мажлисий суҳбатда самимий, улфат ва ўтиришларга яхшигина зийнат киши бўлиб, оғир вазиятларда ҳам таъб отини зийраклик майдонига энгил йўрттириб, сўз тўлини ноҳиклик човғони билан элтар эди. Яхши шеърлари ва ёқимли сўзлари бор. Қасидалари нафис ва гўзалдир". Шу билан бир қаторда тазкирада Мажлисийнинг Бобур билан учрашгани ва Бобуршоҳ Мажлисийни ижодкор сифатида эътироф этганлиги айтилади.

"Қисса Сайфулмулк" Мажлисийнинг бизгача маълум бўлган асосий асари бўлиб, достон улуу туркий мутафаккирлар Мавлоно Лутфийнинг "Тул ва Наврўз", Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонлари каби ишқий саргузаштни тараннум этувчи, фалсафий-ахлоқий ғояларни ўзига мужассам этган мумтоз ёдгорликлардан биридир.

Мажлисий афсонавий севги саргузашти муаммосини ечиш орқали инсоният ҳаётига тааллуқли бўлган кўпдан-кўп ижтимоий-ахлоқий масалаларни ўртага ташлайди. Адолатли ҳукмдор тимсолида давр султонларига таъсир этиш, меҳнатга чиниқиш, азоб-укубатлардан чўчимаслик, дўстлик, садоқат, инсонга муҳаббат, эзгу мақсад йўлида фиғоийлик, мардлик ва жасорат кўрсатиш кабилар бунга мисол бўла олади. Мутафаккир асарига ўзининг гунёқарашини орқали орзу-умидлари, илгари сурмоқчи бўлган ғоялари, давр воқеа-ҳодисалари, кишилар ҳаёти, уларнинг шароитлари, урф-одатлари, кураш ва интилишларига бўлган муносабатларини ифодалайди. Достон-

Сайд билан сарой мураббийлари қўлида тарбияланади, сўнгра до-нишманг олимлар ва моҳир усталардан олим-хунар сирларини катта иштиёқ ва кунт билан ўрганади. Унинг саройда кечаётган шог-хуррам ҳаёти, отаси тақдир этган суратни кўрганча давом этади. Тунда қиз суратини кўриб унга ғойибона ошқ бўлади. У ишқ дар-ди, севги азоби билан ёна бош-лайди! Сайфулмулк ўз севгисига этиш учун ҳамма нарсадан, ҳатто под-шоҳликдан ҳам воз кечишга тай-ёр ҳолатга тушади.

Ўзгаришлар билан бир қаторда келиши, ёвуз кучларга қарши са-бот ва матонат, ақл-идрок ва тадбир билан қарши курашига уни қўллаган куч, ғайрат, шижоат бахш этган нарса бу — ишққа бўлган ишончи, умиди, орзу-ис-такларидир. Бу йўлда у мардлик, жасурлик билан ҳалол кураш олиб боради. Сайфулмулк маймунлар мамлакатидан қочиб, денгиз офа-тидан ваҳимали қуш воситасига қуруқликка чиқади, шу пайт қуш-нинг болалигига аждр раҳна со-лади. Бунни кўрган Сайфулмулк ҳеч иккиланмай, яширилган қоя таги-дан чиқиб, аждрни ҳалок этади, қуш болалигини ҳалоқатдан қут-гун, Юз ўғирмон тақи ушбу тилак-дин. Мутафаккирнинг фикрича, Сай-фулмулк бундай қатъий қарорга келиши, ёвуз кучларга қарши са-бот ва матонат, ақл-идрок ва тадбир билан қарши курашига уни қўллаган куч, ғайрат, шижоат бахш этган нарса бу — ишққа бўлган ишончи, умиди, орзу-ис-такларидир. Бу йўлда у мардлик, жасурлик билан ҳалол кураш олиб боради. Сайфулмулк маймунлар мамлакатидан қочиб, денгиз офа-тидан ваҳимали қуш воситасига қуруқликка чиқади, шу пайт қуш-нинг болалигига аждр раҳна со-лади. Бунни кўрган Сайфулмулк ҳеч иккиланмай, яширилган қоя таги-дан чиқиб, аждрни ҳалок этади, қуш болалигини ҳалоқатдан қут-

қаради. Бундай олижаноблик ҳам-манинг ҳам қўлидан келавермай-ди. Қалбига ишқ туён урган ки-шигина бунга қодир. Бу яхшилик ва эзгулик тимсолидир. Сайфул-мулк дев маконига кириб, тутқин қиз Робилмулк билан учрашади, ундан маъшуқаси Бадеужамолнинг дарагини эшитиб, ўз маъшуқаси-нинг эмқодоши бўлган бу асир а-маликани девнинг зулматидан қутқаради ва унинг кўмағига Ба-деужамол мамлакатига етиб бо-ради. Бадеужамол-парилар подшоҳи Шохбол бинни Шохруҳнинг қизи бўлиб, асл ватани Шаҳрхстон

би учун қаттиқ қай-ғуради: "Кеча-қундуз куяр бўлдим мен эмди, Бу ҳам бирла улар бўлдим мен эмди". Бадеужамол ўз вафодорлиги, ҳаё ва ифпати билан севгилис-нинг гушман қўлидан қутулиши-га асосий ўрин тутаяди ва бу буюк қалб билан туташади. Мутафаккир малика тимсоли-да соф кўнглили, фаросатли, чи-гамли, иродали, гушманга таслим бўлмайдиган, ўз ор-номусини ҳамма нарсадан устун қўювчи, покдомон, зўравонлик, шафқат-сизликка қарши муросасиз, ўзи тутқинда бўлишига қарамасдан, ошқ Сайфулмулкка хайрихоҳ бўлган қизни таърифлайди. Асар хотимасига Мажлисий ёзади: Нечукким шох кўрди ёр вафо-син, Вале чекди ажойиб кўп жафо-син. Жафо чекмай кишига роҳат улмас, Агар қўймас устунга жуш бўлмас. Шу деҳқон чекмаса жабру жа-фосин, Емишларнинг киши кўрмас ва-фосин. Демак, унинг фикрича бахт ки-шига ўз-ўзидан осонликча берил-майди. Унга эришмоқ учун киши меҳнат қилмоғи, жафо тортмоғи, қийинчилик, машаққатлардан чўчимасдан курашмоғи, энгмоғи лозимки — висол фароғати наъшаси ҳам шундадир. Мажлисийнинг "Қисса Сайфул-мулк" достонига илгари сурилган ажойиб ғоя муҳаббат тантанаси, бу — яхшилик ва эзгуликнинг ёмонлик ва зулм устидан ғалаба-си, инсон руҳиятининг маънавий камолот йўлидаги ибрати ифода-сидир. Сирож ҒОЗИЕВ, Жиззах давлат педагогика интитуту доценти

МАЖЛИСИЙНИНГ ЯГОНА ДОСТОНИ

да бир-бирига қарама-қарши бўлган икки куч орасида ғоявий кураш боради. Биринчи гуруҳ соф севги, им-хунар ўрганиши, самимий дўстлик, инсонпарварлик, мардлик, ишқ-муҳаббатга эркин-лик, вафодорлик каби олижаноб ғояларни илгари сурса, иккинчи гуруҳ шафқатсизлик, зуравонлик, қонхўрлик, ёвузлик каби иллатлар-ни ўзига намоён этиб, одамлар-да қаҳр-ғазоб уйғотади.

Мажлисий ўз ижтимоий-ахлоқий тушунарларини достоннинг асосий қаҳрамони бўлмиш шаҳзо-да Сайфулмулк орқали ифода этар экан, уни воқеалар давоми-да ахлоқан баркамол инсон гара-жасига кўтаради. Сайфулмулк Миср подшоси Осимшоҳ қизи бўлмиш Жамиланинг ўғлидир. У болалигида ўз кўкалдоғи дўсти

Кетиб ақду қарору сабр ондин. Кечиб бу тахту бахту жаҳон-дин.

У шундай ҳақиқий бир ишққа мубтало бўлганки, бундай ошқ-ларни ишқ-муҳаббатдан ҳеч ким ва ҳеч нарса, панд-насиҳат ҳам, инсон ва парилар ўртасидаги ғоя-лар ҳам, ирқий ва диний тафо-вутлар ҳам қайтара олмайди; "Кишига ишқ агар ҳамроҳ бўлса, Гадоғир ул гарчи шох бўлса. Ки бўлмас ишққа ҳам куфр-ий-мон, Не сабр анда, не кофир, не му-сулмон".

Ҳар қандай киши ҳам бундай му-ҳаббат асри бўлавермайди. Фа-қат қалби пок, ймони бупун, бо-тини тоза, жасур эр кишигина бунга қодирдир. Маънан тубан,

Сиймон ёки Боғи эрам бўлса ҳам, сарангдла Рабиалмулк боғида малика билан бир кунда туғилиб, эмқош бўлиб, бирга улғаядилар. У баъзи шох қизлари каби тан-тиқ, кибри, энгилтак эмас, бал-ки ҳаёли, ифпатли, назокатли, одобли, номусли, боақ, сермуло-ҳаза, эркин фикрли, бокира ва гўзал қиздир. Сайфулмулкнинг ўн уч йилдики ўзига ошқу мубта-ла бўлиб, кўп машаққатлар тортганлигини маликадан эши-туби билса ҳам, то шаҳзодаданг ўзини учратиби, унинг вафодору-гига иқрор бўлиб, ўз қалбига шаҳ-зодага нисбатан ҳам шундай и-шқий туйғу сезмаганча бу муҳаб-батга ишонмайди. Аммо Кузум шоҳи Асвоғ дев қасоси учун Сай-фулмулкни ҳийла билан қўлга ту-ширганда, Бадеужамол ўз маҳбу-

ЯНА МУТОЛАА ҲАҚИДА...

Айни пайтда "Маърифат" газетаси саҳифалари-да "Ўқувчи нега китоб ўқимай қўйди?" деган са-воъл ўртага ташланмоқда. Шу боис, бу борадаги му-лоҳазаларимни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман. Менимча, бу камчиликларга сабаб, биринчидан, бо-лаларнинг замонавий техник воситаларга — компь-ютер ўйинларига, видео кўришга қизиқиб кетган-лигида ва китоб ўқигандан кўра, кино кўрган ях-широқ деб мулоҳаза қилишга берилади. Бунга асосан ота-она ҳам сабабчи бўлиб қолмоқда. Чун-ки ота-оналар ўғлига ёки қизига янги чиққан ви-деокассета, дисклар ўрнига битта яхши китоб олиб бериб, шахсий кутубхонасини ташкил қилишида ёр-дам берса, болада китобга қизиқиш уйғонади, деб ўйлайман.

Иккинчидан, мактаб кутубхоначиларининг ҳам қайсидир маънода китоб ихлосмандлари камайи-шида айби бор, деб ўйлайман. Кутубхоначилар маънавиятимиз ва тарбиячилари-дир. Улар маънавий меросимиз, миллатимиз тари-хини мукамал ўрганган тарихчи бўлиши, ўз усти-да ишлаши, тил бойлиги кўп қиррали бўлиши, қизи-қарли ривоятлар, ҳикматли сўзларни таъсирли қилиб ўқиб бериши, ўқувчида шу мавзуга қизиқиш ҳис-сийтини уйғотиши керак. Шу каби омиллар орқали болада: "китобни тўлиқ ўқиб қилмаган", деган ша-стни ҳосил қилиши зарур. Китобни олиб келганда эса ундан ўқувчи қандай таассурот олганини, қай-си жиҳати унга ёқганини сўраш керак. Чунки ўқув-чи бундан раббатланади. Кутубхоначи менинг ки-тоб ўқимини эътиборга олди, яна ўқимин керак, деган фикрга боради. Мен мана шундай йўл билан болажонларни китоб олиб ўқинишга ундайман.

Ўқувчиларни китоб ўқинишга қизиқтиришнинг яна бир усули — кутубхонада китобларни тартиб қилиш-нинг кўргазмали шаклларида фойдаланиш. Бунга китоб кўргазмалари ва бурчаклари киради. Биз-нинг кутубхонамизда "Президент асарларини ўрга-намиз", "Беруний шахрим — фахрим менинг", "Амир Темур", "Шеърин мулкнинг султони Али-шер Навоий" бурчаклари доимо ўқувчилар хизма-тида.

Кўргазмали адабиётларни тартиб қилишдаги яна бир усул "Тавсия қилинган адабиётлар рўйхати" ҳисобланади. Бу иш "Ёш китобхонлар" тўғраги аъзолари билан тайёрланади. Ушбу рўйхат бир мавзуга бағишланган, ҳар бир фан бўйича, ёзувчи-ларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлар-дан иборат бўлиши мумкин.

Ёш китобхонларнинг китоб танлашларида кўмак беришидир. Ўсиб келаётган ёш авлод ҳар нарсага қизиқувчан ва интилувчан бўлади. Шу боис, уларга мактабда кутубхоначи, синф раҳбари, уйда ота-онаси бадий адабиётни севиб ўқишларига шароит яратиб бериши керак.

Гулнора ЕШАНОВА, Беруний шаҳридаги 27-мактаб кутубхоначиси



ЛИБОСЛАРДА КЎНА ТАМАДДУН АКСИ

Кешнинг довуғини бутун дунёга ёйишди, уни дунёнинг гўзал гўшаларидан бирига ай-лантиришди, ватанимиз обо-дончилиги ва маданиятининг улкан микёслар билан ривож-ланишида Амир Темурнинг хизматлари бекиёс бўлган. Шаҳрисабзнинг ана шун-дай бой тарихини ҳисобга олиб, ташкил этилган ва у ер-даги турли кўна осори ати-қаларидан иборат бўлган Амир Темур номли тарих ва моддий маданият музейи 1996 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Ушбу музей XVII асрда яшаб ўтган ҳарбий саркарда Чубен номидаги мадрасада жойлашган бўлиб, бу ерда та-лабаларга ҳарбийлик соҳаси-дан дарс ўтилган. Музей экс-позицияси икки бўлимдан: Амир Темур ва теурийлар даври маданияти, ҳамда эт-нографияга оид "Халқ амалий санъатининг намуналари" ном-ли кўргазмадан иборатдир. Этнография залида XVIII-XIX-XX асрларга оид миллий кийим-кечаклар, уй-рўзгор буюмлари, заргарлик буюм-лари ва бошқа турли осори атиқалар-жами 257 та экспо-нат сақланади. Кийим-кечаклар халқ тари-хи билан узвий боғлиқ бўлиб, у моддий-маданий ёд-горликлар ичида халқларнинг миллий ўзига хослигини акс эттириб, этник белгилари би-

Бу ерда асосан, қизил, сарик, тўқ сарик рангли матолардан кенг фойдаланилган. Нўғай ёқа шаклида, энглари узун, олдида ироқи тасма тикилган. Асосан Кашкадарё воҳаси аёллар либосларининг ёқаси-да, энгида, этакларига кашта бериб тикилади. У кашталар-да асосан кўк, қизил, яшил ранглар севиб ишлатилади. Уларда турли гулларнинг кўринишлари, зилол сувлар-нинг оқшини кузатиш мум-кин. XX аср ўрталарига келиб эса чопоннинг яна бир тури — мурсаклар ҳам кийилган. Тошкентда мурсак, Хоразмда мисак, Фарғонада мунисак, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳ-рисабзда эса калтача номи билан аташган. Калтачалар пахта солиниб қавилган бўли-ши ҳам мумкин. Кашкадарё калтачалари энглари кенг, астарли, тор белли қилиб ти-килган. Кейинчалик, мурсак-лар маросим кийимига айлан-ган. Кашкадарё аёлларининг каштали нимчалари ҳам бошқа вилоятларникидан аж-

ралиб туради. Бу нимчаларда ҳам кўк, қизил, оқ, сарик ранглардан кенг фойдалани-лади. Хусусан, хозирги пайт-да ҳам ҳар бир қизнинг сар-посида ана шундай пахта-симон гулли, қўшанотсимон нақшли беазқалар нафис ти-килган нимчаларни кўриш мумкин. Бойжелеги деб аталувчи бош кийимини ўрта ёшли аёллар ханузгача ёпишишади. Дўппи энг кўп тарқалган бош кийими ҳисобланиб, дастлаб Эронда ва туркий халқларда расм бўлиб, кейин бошқа халқларга ўтган. Жой-ларнинг табиати, кишилар диди, халқ амалий санъати усуллари таъсирида турли хиллари вуҷудга келган. Ма-салан, ироқи дўппи Ўзбеки-стонда дастлаб Шаҳрисабзда урф бўлиб, сўнгра бошқа ша-ҳар, қишлоқларга кенг тарқ-алган. Кейинчалик, бу дўппи ҳам ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос беазқ усулида яратила бошланган. Ривоятларга қараганда, Амир Темур Ироқдан турли хунармандлар қаторида дўппидўзларни ҳам олиб ке-лган. Шу сабабли, улар тиккан дўппи "ироқи" деб аталган. Дўппининг бу тури иллари суғурилиб, тўр холига келти-рилган биз (канавага) ранг-дор ипак ёки энгичка тола-ли пахта или билан тикила-ди. Унинг "терма" ва "босма"

ШАРҚОНА ОҲАНГЛАРУ ЗЕБО МУШОҲАДАЛАР

Ҳинд диёри ўзининг табиати ва санъати билан халқимизни ва бошқа миллатларни ҳар доим ўзига жалб қилиб келган. Кўп халқлар уни "сеҳрли ўлка" дейишади. Одамларнинг меҳмондўстлиги, жони-ворларга озор бермаслиги билан ҳам Ҳиндистон бундай таърифага сазовор бўлгандир. Ушбу мамла-кат ва халқимиз ўртасида савдо-сотик ва маданий алоқалар асрлар давомида "Буюк ипак йўли" ор-қали ривож топиб келганлигини айтиб ўтиш ўрин-ли. Амир Темур авлодлари бўлмиш бобурийлар су-лоласи ҳинд маданиятига самарали ҳисса қўшгани-ни бутун дунё аҳли билади. XX асрга келиб эса Ҳиндистон билан кин ва уму-ман санъат соҳасидаги алоқаларимиз ривожланган. Сўнгги йилларда эса муносабатларимиз янги бос-қичга кўтарилди, десак муболаға бўлмайди. Тош-кентда очилган Ҳиндистон элчихонаси, Ҳинд ма-даният маркази, Тошкент "Кришнани англаш" ди-ний марказларининг фаолият юритаётганлиги фик-римиз далилидир. Ҳиндистон билан ҳар томонлама алоқаларни яна-да ривожлантириш, ҳинд маданияти ва урф-одат-ларини ёшларимизга кўрсатиш мақсадида "Бунёд-кор" ёшлар телеклубида бўлиб ўтган Ҳиндистон маданияти кунлари шарқона оҳанглару зебо му-шохадалар билан қатнашчилар хотирасидан ўрин олди.

Маданият кунларининг очилишида ҳинд санъати ва урф-одатларидан намуналар намойиш қилин-ди. Ҳиндистон маданиятининг тарихи ва бугундан дарак берувчи расмлар ҳамда китоблардан таш-кил топган кўргазмада эса ёшлар ўзларига керак бўлган манбаларни ўрганишди. Тадбирда Ҳиндистон маданият марказининг ди-ректори Жозеф Лобо, Деҳли университети профес-сори Сачи Чакраварти, Жаҳон иқтисодиёти ва дип-ломатия университети ҳинд бўлими профессори Су-хаш Чакраварти ва ҳиндшунос олим Амир Файзий-лар ташриф буюришди.

Маданият кунларининг иккинчи куни ҳинд кино-лари ва видеотасмага ёзилган ҳужжатли фильмлар-ни намойиш қилиш орқали давом этди. Ва "Сиз Ҳиндистонни биласизми?" мавзудаги викторина-да ёшларимиз қатнашиб, ажойиб совғалар эгаси бўлишди. Уч кун давом этган маданият кунлари Ҳиндистон маданияти марказига уюштирилган сەҳнат билан якунланди. Шу куни марказга ташриф буюрган бар-ча-барчага ҳиндистонликлар катта эҳтиром кўрса-тишди.

Жаноб Жозеф Лобо юртдошларимизга қарата шундай деди: — Мен шунча йиллардан бери Ўзбекистонда яша-ётган бўлсам-да, лекин бугунгичалик ҳаяжонлан-маган эдим. Ўзбек йигит-қизларининг ҳинд рақс ва урф-одатларини чин юракдан ижро қилиб бериш-гани, ҳинд давлатчилиги ҳақидаги қўллаб маълум-отларга эга эканлиги мени жуда ҳам қувонтирди. Демак, биз (Ўзбекистонда бекорга яшамётган экан-миз. Малюот ЭРХОНОВА, Юнусобод туманидаги 9-тарих фанига ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси

Ўқувчининг қизиқиши ва мотивлиги асосида ўқитилган дарс унга завқ беради. Ўқувчи машғулотдан ҳам руҳий, ҳам ҳиссий, ҳам маънавий озуқа олади.

Дарҳақиқат, бу амалий тажрибалардан воқиф бўлиш келгусида уларнинг шу соҳанинг малакали мутахассислари бўлиб етиштириларида асосий пойдевор бўлиб эътибор қилинади.

Sinab ko'ring

машғулотлар жараёнида фаоллигини кескин оширади. Ўқувчининг билимдонлиги таълим учун ҳамма нарса эмас, муҳими, ўзида бориши ўқувчиларга қизиқарли тарзда етказиб бера олишидир. Қизиқтирган — эргаштиради, эргаштирилган — тарбиялайди. Қизиқтирган ўқувчигина ўқувчининг машғулотидаги иштирокини истак даражасига айлантиради. Чунки қизиқиш билан хоҳиш руҳий тайёргарлик ва завқ билан интилиш ҳам бўлганда самара юксак бўлади. Самаранинг юксаклиги ўқувчининг дарога мажбур этилмаслигидан, машғулота ўзида ички эҳтиёж сезишдан аниқлашиб туради. Ўқувчининг ўқиши истамаслиги, менимча, ўқувчининг унинг

ЭНГ НАМУНАЛИ ФАКУЛЬТЕТ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртлиги ўртасида ўтказилган "Республиканинг энг намунали факультети" танловининг якуний босқичи ўз ноҳиясига етди. Ушбу танлов уч босқичда ўтказилиб, 1-босқичда ҳар бир олий ўқув юртидан битта факультет шу олий даргоҳнинг энг намунали факультети сифатида иштирок этди. 2-босқичда шахар ёки вилоят бўйича энг намунали деб то-

Tanlov

пилган факультетлар қатнашиб, кейинги 3-босқич, яъни республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Факультетлар танлови қуйидаги мезонлар асосида баҳоланди:

- илмий салоҳият;
 - замонавий ўқитиш ва ахборот технологиялари билан жиҳозланганлик даражаси;
 - дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва маърузалар матнлари билан таъминланганлиги;
 - талабаларнинг ўқув-ўзлаштириш даражаси;
 - илмий, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларининг йўлга қўйилганлиги ва бошқалар.
- Танловда барча кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларга эришган Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг "Иқтисодиёт ва статистика" факультети республиканинг "Энг намунали факультети" деб топилди, ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1-даражали дипломи, қимматбаҳо совалар билан тақдирланди.
- Воситжон ИМОМОВ, "Иқтисодиёт ва статистика" факультетининг 4-курс талабаси

Kasb-hunar kollejlarda

Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент Молия институти қошидаги малака ошириш курсларида ўз малакаларини ошириб келадилар. Талаба-ёшларнинг маънавий етук бўлиб ўсишларини таъминлаш мақсадида ҳам кўпгина маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади. Бу тадбирлар ўтказилган Марказининг маънавий етук бўлиб ўсишлари, республика Маънавият ва маърифат Маркази, Тошкент шаҳар ҳамда Чилонзор туман Маънавият ва маърифат кенгашлари, Зангиота, Чилонзор туман

БЎЛАЖАК БАНКИРЛАР МАСКАНИ

ҳисоб-кредит коллежининг ўрни алоҳида. Мазкур таълим муассасаси Марказий банк ташаббуси билан малакали мутахассислар бўлиб етиштириларида асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Маркази томонидан белги-ланган тартибда олиб бориладиган бўлиб, кўпгина талабалар тахсил олишмоқда. Уларга 60 нафардан зиёд тажрибали ўқувчилар дарс берадилар. Уларнинг 2 нафари фан номзоди, 12 нафари олий тоифали, қолганлари эса етук малакага эга бўлган мураббийлардир. Бундан ташқари, Марказий банк, тижорат банкларидан мутахассис педагоглар ўз билим ва тажрибаларини талабаларга ўргатадилар. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 38 та тижорат банклари ва 800 дан ошқин филиаллари мавжуд бўлиб, айтиш мумкинки, у ерда ишлаш сирлари, йўналишларини бўлажак банк ходимлари ушбу таълим муассасасида ўрганишга эришадилар. Бунинг учун уларга намунавий ўқув дастурлари асосида назарий ва амалий билимлар бе-

тажрибалардан воқиф бўлиш келгусида уларнинг шу соҳанинг малакали мутахассислари бўлиб етиштириларида асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун бўлса керак, яъни амалиётни талабалар пухта ўтаганликлари боис, уларнинг деярли 90 фоизи банкларда иш фаолиятларини бошлайдилар. Қолган қисми эса олий ўқув юртига кириш учун ҳужжат топширадилар. Ёшларнинг ўқув жараёнида мукамал билим олишларини тўғри ташкил қилиш мақсадида коллежда "Банк" ўқув хонаси мавжуд. Унда уларнинг ўзлари банк фаолияти билан шуғулланиб, тажриба тўплайдилар. Шунингдек, "Асака-банк"нинг мини банки бўлими очилган. 2 та компьютер хонаси ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси — талабаларнинг мустақкам билим эгаллашлари учун яратилган шарт-шароитлардир. Коллежда ўқитувчилар малакасини ошириш ҳам муҳим жиҳатлардан биридир. Улар кўпгина тижорат банклари, "Минтақавий банк", "Марказий банк" ўқув марказлари ҳамда Тошкент

ИИБ, прокуратуралари билан ҳамкорликда ташкил қилинади. Ушбу ўтказилган тадбирларнинг маънавий жиҳатдан таъсири талабалар ҳаётида жиддий сезилмоқда. Уларнинг аксариятининг мазсуви — ёшларни турли қўнғир йўлларга бошловчи гиёҳвандлик "касаллиги", диний ниқоб остида қилинадиган қабих ҳаракатлардан сақловчи тадбирлардир. Шунингдек, гуруҳ раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳар душанба кунининг охириги дарси "Тарбиявий соат" деб белгиланган. Ушбу маънавий силжишлар 220 ўринли ётоқхонага ҳам кўчган. Чунки, талабаларнинг аксарияти, яъни 50 фоиздан ошгани вилоятлардан келиб ўқитганлиги боис, ўқиш жойида ҳам, талабалар уйда ҳам улар жиддий назорат остида бўладилар. Шу сингари уларга иқтисодий билим бериш билан чекланиб қолмасдан, маънавий савияси етук бўлиб ўсишларини эътиборга олган ҳолда тарбиявий дарсларга аҳамият қўйиб, таълимнинг эътироф этиш керак. Гофур ЖАБИЕВ, "Ma'rifa" мухбири

ҚИЗИҚТИРИШ ДАРС САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙ ОЛАДИМИ?

ришининг яна бошқа бир омиллари ҳам борки, буни барча ўқитувчилар ҳам ҳисобга олаётди, деб бўлмайди. Бу омиллардан бири фанга ўқувчини қизиқтиришдир. Ўқувчини дарога қизиқтириш самарадорлигини кескин ошириш жиҳатлардан бири ҳисобланади. Дарснинг моддий жиҳатларини мустақкамлаш, турли шакллари билан янги эътибор, бироқ, бу таълимнинг асосий қадрияти ҳисобланган ўқувчи шахсини назардан йироқлатиш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Чунки баъзи ўқитувчилар дарс турлари ва шакллари асосий ҳисоблаб, ўқувчини унутиб қўядилар. Дарснинг янги-янги шакллари қўлланишдан қўзғалган мақсад ҳам, аввало, ўқувчи бўлиши зарур. Янги дарс шакллари ўқитувчига эмас, кўпроқ ўқувчига имконият яратиши лозим. Янги педагогик технологияларнинг асосида ҳам ана шу зарурият ётади. Кўпгина ўқитувчилар эса ўзига имконият яратиш пайида бўлишади. Баъзан эса янги дарс шакллари ўқувчи кутган натижани бермайди. Бу ҳолатнинг бири қатор сабаблари бор: биринчидан, ҳамма ўқитувчи ҳам замонавий педагогик технологиялар асосида дарсни ташкил қила олмайдилар. Чунки уларнинг барчасини ҳам бугунги кун талаби даражасидаги педагогик маҳорат соҳибдари, деб бўлмайди. Иккинчидан, мод-

лай олмайди. Ҳар қандай янги дарснинг муваффақияти унинг бирор метод ёки шаклида эмас, айнан тақдорланмаслигида, унинг қизиқарлилигида, ўзига хос янгилик ва ижод маҳсули эканлигидадир. Негаки, янги кашфиёт, ижод ҳеч қачон бошқаларни бефарқ қолдирмайди, у ҳамиша қизиқарли. Дарс бу ижод, ижод эса, янгилик дегандир. Бир методда, бир шаклда дарсни қайта тақдорлашга интилиш машғулоти қилинган тақдирда ҳам қизиқарли бўлади. Ҳар қандай янгилик қизиқарлидир, қизиқарли дарс эса энг самарали машғулотдир. Ўқувчининг қизиқиши ва мойиллиги асосида ўтилган дарс унга завқ беради. Ўқувчи машғулотдан ҳам руҳий, ҳам ҳиссий, ҳам маънавий озуқа олади. Қизиқиш барча сезги органлари фаолиятини машғулотага жамлайди. Қизиқиш қатнашаётган ўқувчи кўпроқ ва пухтароқ ўзлаштирилади. Қизиқиш — танлаш демасди, танлаш эса қинчор, яхшироқ бўлишига интилишдир. Қизиқиш ўқувчида билишга интилишни, дунёқарашни кенгайтиради. Қизиқтириётган нарсани, ҳодисани ўқувчини воқеанинг моҳиятини очиб беради. Ўқувчининг қизиқиши билишни истаган нарсанинг моҳиятини чуқур англамагунча ривожланиб боради. Ўқувчи ана шу қизиқиш асосида излаётган, билиши керак деб ҳисоблаётган на-

рса ва ҳодисаларни тафтиш қилади, синчилаб ўрганади, охир-оқибат ўзи учун нимадир кашф этади. Шунинг учун ҳам қизиқиш билан ўзлаштирилган билимлар хотирада узоқ сақланади. Демак, қизиқиш-интилиш, интилиш-танлаш, танлаш эса англашга сабаб бўлади. Хулоса шунки, ўқитувчи шогирдларига билимларни тайёр ҳолда беришдан кўра унинг ўзида билишга хоҳиш уйғотиши, қизиқтириши кўпроқ самара беради. Тез ва тайёр ҳолда ўзлаштирилган билимлар хотирадан тез ўлиб кетади. Қизиқишлар асосида, хоҳиш ва истак билан мустақил, моҳияти аниқлаш билан ўзлаштирилган билим ва кўникмалар ўқувчи хотирасида бир умрда муҳрланади. Қизиқишнинг замирида ҳиссиёт ҳам ҳозир бўладики, унда билимлар шунчаки, йўл-йўлакай ўзлаштирилмайди. Қизиқиш

қизиқишлари билан ҳисоблашмаслиги, зўрлаб, ҳатто, мажбур қилиб ўқитишга бўлган ҳаракати сабабли пайдо бўлади. Ўқувчи шахсиятини оёқ-ости қилиш, зўғум шартлида, у ўз қобилиятини, мустақиллигини, ижодий фикрларини кўрсата олмайдилар. Шу боис, устоз ўз шогирдларига ёндашишининг ўзига хос йўллари билан ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хос психологик асосларини танлаши зарур ва унда ўқувчиларнинг қизиқишлари муҳим зарурият деб қаралиши лозим. Ҳар бир дарс педагогик ҳамкорликка, қизиқишлар асосидаги тенг кишилар муносабатига айланганда, тарбиявий имкониятлари ошиб боради. Қаттиқ талаблар, танбеҳлар, ёмон баҳо қўйиб жазолашлар, қўполик, адолатсизлик ўқувчиларда қўрқув ва ўзига ишонмаслик, фикр билдирмаслик касаллигини келтириб чиқаради. Ўқитувчидан қўрқиб дарсни ёмон кўришга, дарсни ўзлаштирилмаслик, мактабдан нафратланишга оқиб келади. Болани интилиш қувончидан, яратиб завқидан маҳрум этади. Шунинг учун ҳам шогирдларинингизни, аввало, машғулотларга қизиқтириш ва сўнгра юксак натижалар кутинг.

Р.КЕЛДИЁРОВ, ТШПҚТМОЙ проректори, педагогика фанлари номзоди

БЎШ ВАҚТ БЕКОРЧИЛИК ЭМАС

Ўқувчи мактабдан қайтгач, буш вақтини қандай ўтказасиз? Айнан шу масала ёшлар тарбиясида муҳим урин тутиши беҳ қулдек аён. Зеро, уларнинг жиноят кучасига кириб кетмасликлари, хатарли оқимларга қўшилмасликлари, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўймасликлари ана шу масалага оқилона ёндашишга боғлиқдир. Жумладан, бизнинг марказимиз ҳам ёшларнинг мактабдан ташқари буш вақтларини мазмунли, фойдали ўтказишга хизмат қилади. Марказимизда тоғ туризми, музей фаоллари, ёш сайёҳлар, ёш улқашунослар каби 31 та тугарак фаолият курсатилди. Кейинги йилларда уларнинг қаторидан "Ёш киносаёҳатчилар", "Ёш иқтисодчилар" клублари каби янги йўналишлардаги тугараклар ҳам урин олди. Авваллари тугаракларимиз марказнинг ўзида фаолият курсатар ва унга узоқ худудлардан қатнаш қийинлиги учун аъзолар сони жуда оз эди. Шу сабаб биз тугаракларимизни маҳаллаларга, мактабларга қўқирдик, эндиликда Андижон шаҳридаги Исломобод, Саъдий маҳаллалари, Андижон туманидаги Гузар маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги тугаракларимиз фаол иш олиб бормоқдалар. Шаҳрихон туманидаги 10-урта мактаб қошида ташкил этилган тоғ сайёҳлари туга-

раги аъзолари қодир тикиш, тусиқлардан утиш, сафарга шайланиш, биргалликда қўйлаш, деворий газета тайёрлаш каби сайёҳлар учун зарур бўлган омилларни доим машқ қилиб борадилар. Яқинда улар Тошкент вилояти Бустонлик тумани Қоронкул сайёҳлар базасида ўтказилган республика беллашувларида фахрли уринини эгалладилар. Янги йўналишдаги "Ёш киносаёҳатчилар" клубига 45 ўқувчи аъзо бўлган. Улар М.Воҳидова раҳбарлигида улқамиз табиати, флора ва фаунаси, ажойиб инсонларини уларни видеотасмаларга муҳрламоқдалар. Шунингдек, клуб аъзолари вилоят улқашунослик музейи фондларидаги буюмларни ҳам видеотасмага туширишни режалаштирганлар. Раҳмон Хужаев, Қобилжон Абдурахмонов, Зайнабхон Аҳмедова, Абдурауф Янгибоев каби мураббийлар велосаёҳат, сайёҳ, сайёҳ-экологлар, музей фаоллари, ёш гидрологлар йўналишларида ўқувчилар билан иш олиб боришмоқда. Яқинда марказимизда очилган эшиклар куни ўтказдик. Унга барча тугаракларимиздан вакиллар иштирок этиб, узаро тажриба алмашдилар. Мамлакатимизнинг турли тарихий шаҳарларида саёҳатлар уюштириш, таниқли олимлар, адиблар, санъаткорлар, спортчилар билан

учрашувлар ўтказишни режалаштирганмиз. Лекин, бу борада муаммолар ҳам йўқ эмас. Боиси, Марказ учун замонавий автобус зарур. "Экосан", табиатни муҳофа-

за қилиш, тарихий ва маданий ёдгорликларни асраш каби турли нодавлат ва нотижорат ташкилотлар билан алоқаларни мустақкамлашимиз лозим. Бу эса фаолиятимизнинг янада қизиқарлироқ, мазмунлироқ бўлишида катта омил бўлади. О.ОРТИҚОВ, Андижон вилояти ёш сайёҳлар ва улқашунослар марказининг директори

Хунари бор хор бўлмас. Йигит кишига қирқ хунар оз. Хунари йўқ кишининг, унуми йўқ ишининг. Бу мақоллар беҳиж айтилмаган. Киши ҳаётда яшар экан, умри давомини ўқиб, ишлаш билан биргалликда бирон касб-ҳунар эгаллашга ҳаракат қилади. Чунки хунар доимо киши ҳаётида асосатди. Ўқиб олим бўлиш мумкин, лекин қўлида бирор хунари бўлмаган киши турмушда қийналиши аниқ. Гилам тўқувчи подшо ҳақидаги ривоятни барчамиз эшитганмиз. Юртинг гўзаили бўлган бир қизга совича жўнатган подшо, "нечта хунари бор?" деган саволга дуч келади ва бирорта ҳам хунари йўқлигини айтади. Буни эшитган қиз совчаларга рад бошқа киши гиламни сотиб ололмайдилар. Малика гиламни кўриб, нақшларини танийди ва подшодан хабар топади. Шундай қилиб, хунарни подшо ўлимдан қутулиб қолади. Касб-хунарнинг ҳаётда нечоғлик зарурлигини мана шу ривоятдан ҳам кўришингиз мумкин. Шунинг учун ота-оналаримиз фарзандларини ёшларидан бошлаб хунар ўргатишга ҳаракат қиладилар. Бугун биз фикр юритаётган мавзу бўйича республика ўқувчилар саройида олиб борилаётган хайрли ишлар диққатга сазовордир. Мазкур максадда 137 та тугарак фаолият курсатиб, уларда 4000 га яқин ўқувчилар ўз қизиқишлари бўйича хунар ўрганимоқдалар.

оналар ўзлари эстагандек киши бўлиши учун фарзандини тугаракка ёздайдилар. Лекин боланинг ўзи қайси санъат турига қизиқса, ана шу қизиқиш вақт ўтиши билан юзга чиқади ва албатта, қайси тугаракка қатнаш лозимлигини ўзи белгилайди. Ўқувчилар саройига кираверишдаги ўриндиқда ўтирган мана бу бола бир йўлга учта тугаракка қатнар экан. "Қандай қилиб улқашсан?" деган саволимга бамайилхотиргина жавоб берди. Унинг айтишича, тугараклар бошқа-бошқа кўнрага белгиланиб, ҳар бир бола (агар хоҳиши бўлса) бемалол 3-4 та тугаракка қатнаши мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, санъат йўналишидаги тугаракларга, айниқса рақс тугаракка қатнашувчилар катта натижаларга эришмоқдалар. Ҳозирда "Юлдуз", "Гуллола" рақс дасталари мамлакатимизда ҳар йили нишонланадиган Мустақиллик, халқимизнинг азалий миллий қадриятларини ифодаловчи Наврўз каби байрам-

дилар. Саройга кириб келаётган ўқувчиларнинг аксарияти тўқуш тугаракка аъзо бўлган қизларни ташкил этади. Ушбу тугаракка "Халқ таълими аълоди ва албатта, қайси тугаракка қатнаш лозимлигини ўзи белгилайди. Ўқувчилар саройига кираверишдаги ўриндиқда ўтирган мана бу бола бир йўлга учта тугаракка қатнар экан. "Қандай қилиб улқашсан?" деган саволимга бамайилхотиргина жавоб берди. Унинг айтишича, тугараклар бошқа-бошқа кўнрага белгиланиб, ҳар бир бола (агар хоҳиши бўлса) бемалол 3-4 та тугаракка қатнаши мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, санъат йўналишидаги тугаракларга, айниқса рақс тугаракка қатнашувчилар катта натижаларга эришмоқдалар. Ҳозирда "Юлдуз", "Гуллола" рақс дасталари мамлакатимизда ҳар йили нишонланадиган Мустақиллик, халқимизнинг азалий миллий қадриятларини ифодаловчи Наврўз каби байрам-

нафақат хунар ўргатилади ва балки шарҳимизда мавжуд бўлган музеёларга, уй-музеёларга, мустақиллик йилларида бунёд этилган янги иншоотларга саёҳатлар уюштирилиб, ўқувчиларнинг қўнғили дами олишларига имконият яратилади. — Шунингдек, мазкур максадда "Аср ёшлари" клуби ташкил этилган. Бу клубнинг аъзолари шу саройнинг аъзолари. Уларда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлаш, жали ҳондаги таълим тизимида рўй бераётган энг сўнғи янгиликлардан воқиф этиб туриш клубининг мақсадида, — дейди клуб раҳбари Бахтиёр Ғулмонов. Клубнинг келажакдаги режалари улғ. БМТнинг "Тараққиёт" жамияти, ЮНЕСКО, Ўзбекистондаги ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси ҳамкорликда ишлар олиб бориш кўзда тутилган. Дарҳақиқат, ўқувчилар саройи нафақат шарҳимизда, балки республикамиз бўйича ҳақиқий маънода ўқувчиларга касб-хунар берувчи асосий максаб ҳисобланади. Зеро, билимни, соғлом бўлиб ўсиб келаётган авлод хунар ҳам эгалласа, мамлакатимиз келажакда бундан-да обод бўлмай! Назоқат ХОЛМЕТОВА, "Ma'rifa" мухбири

ПОДШОНИ АСРАГАН ХУНАР



ЛЕОНИД КУЧМАНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИ

Украина президенти Леонид Кучманинг Хитойга уюштирган расмий сафари чоғида икки давлат ўртасида ҳарбий соҳа бўйича бир неча муҳим ҳужжатлар имзоланди.



Украинанинг замонавий техникалари етарли даражада бўлиб, унинг ҳарбий бюджети 17 миллиард долларни ташкил этади.

Ўтган ҳафтада Украина ҳукуматини истеъфога чиқарган Леонид Кучма янги бош вазир лавозимида Донецк вилояти губернатори Виктор Янукович номодини парламентга тақлиф сифатида киритган. Эртага эса бош вазир лавозимида тайинлаш бўйича овоз бериш бўлиб ўтади.

КУТҚАРУВ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Аввал хабар берганимиздек, Испаниянинг шимоли-ғарбий қирғоқларида ҳалокатга учраган Грециянинг "Престиж" танкеридан кутқарув гуруҳи иш олиб бормоқда. Мақсад кема бортида жойлашган 77 минг тонна нефтни сувга оқиб кетишини тўхтатишдир. Ҳозиргача сувга 3 минг тонна нефть оқиб кетган. Айни вақтда мазкур ҳудудда балиқ овлаш тўхтатилган бўлиб, ҳўжаликнинг бу тури билан шуғулланадиган аҳоли учун ҳукумат компенсация тўлашни режалаштирмоқда.



Элатиб ўтамиз, Багама ороллари байроғи остида Латвиядан Гибралтар томон йўлга чиққан Греция танкери 13 октябрь куни ҳалокатга учраган эди.

ПОКИСТОНДА ДАФН МАРОСИМИ

Марказий Разведка Бошқармасининг 2 нафар ходими ўлимида айбланиб, АҚШда олий жазога тортилган покистонлик Айман Кансининг жасади Покистонга келтирилди. Аэропортда марҳумнинг тарафдорлари норозилик ўтказдилар. Кеча Кансининг дафн этиш маросими ўтказилган бўлса, Қўшма Штатлар мазкур ҳолатдан сўнг Покистондаги ўз фуқароларига нисбатан хавф бўлиши мумкинлиги боис, оғоҳлантириш билдирди. Афғонистондаги аксилтеррор кампания сабаб АҚШ-Покистон муносабатлари кенг ривожланган бўлса-да, маҳаллий аҳоли ўртасида америкаликларга нисбатан ёмон кўз билан қараш бор.



“АЭРОФЛОТ” “AIRBUS” СОТИБ ОЛДИ

Европанинг “Airbus” компанияси Россиянинг “Аэрофлот” компаниясига 12 та А319/320 русумли самолётлари сотганлигини маълум қилди. Мазкур 650 миллион долларлик шартнома Тулуза шаҳрида Россия бош вазир Михаил Касьянов ва унинг французлик ҳамкасби Жан-Пьер Раффарен ўртасида имзоланди.



Айни вақтда “Аэрофлот” компанияси 11 та айнан шу русумдаги самолётларга эга бўлса, 13 нафар россиялик самолётсозлар Тулузадаги “Airbus” заводида маляка оширмоқдалар.

КОПЛОННИНГ ХҲУЖУМИ

Германия ғарбидаги Крефельд ҳайвонот боғида Катрин номли қоплон ўз қафасидан чиқиб, талайгина қирғин келтирди. У озодликка чиққач, шу атрофда юрган кенгурлар тўдасига ҳужум қилган, натижада 13 та кенгурдан бор-йўғи учтаси тирик қолган бўлиб, уларнинг ҳам биттаси ўлган оғаснинг халтачасидан топилди.



Ийртқичнинг хавфи эса бартарф этилиб, у яна ўз қафасига қайтарилди. Мазкур воқеага қадар Крефельд боғи дунёдаги энг кўп кенгурлар сақланадиган ҳайвонот боғларидан саналар эди.

СУД ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Жанубий Кореядаги АҚШнинг ҳарбий базасида 2 нафар америкалик сержант устидан суд жараёни бошланди. Боиси, ўтган июнь ойида сержантлар бошқариб кетаётган бронетранспортёр Сеул атрофидаги кўчалардан бирининг чорраҳасида 13 ёшли икки қизалоқни уриб юборган ва натижада мактаб ўқувчилари ҳалок бўлган эдилар. Ушунда фожеадан сўнг маҳаллий аҳоли АҚШ ҳарбийларини Жанубий Кореядан олиб чиқиб кетиш бўйича норозилик намойишлари ўтказганди.

АФҒОНИСТОНДА “АЛ-ҚОИДА” ЛАГЕРЛАРИ

Американинг “Newsweek” журналининг ёзишича, “Ал-Қоида” ташкилоти Афғонистонда ўзининг ҳарбий лагерларини тикламоқда. Маълумотларга кўра, сўнгги вақтларда мазкур лагерларда юзлаб террорчилар тайёргарликдан ўтганлар. Лагерга келганларидан сўнг 2 ҳафта мобайнида уларга гранатомёт, турли қуроллар ва портловчи моддалар билан ишлаш ўргатилади, сўнгра эса маҳаллий аҳоли орасига юбориладилар. Ҳозирда 10 дан ортиқ лагерлар ишлаётган бўлиб, яқин вақт ичиде Афғонистон барқарорлигига таҳдид солиниши мумкин. “Интернет” хабарлари асосида тайёрланди.



СПОРТЧИЛАР МАҲАЛЛАСИ

Келажакни уйлаган ҳар бир ота-она ўз фарзанди тарбияси туфайли орзуларининг амалга ошишини, мурод-мақсадига етишишни истайди. Сўхбатлар чоғида гоҳо кексалардан нега мен ёшлигимда миллий кураш, бокс, шахмат, футбол, теннис билан шуғулланмаган эканман, деган пушаймонни эшитиб қоламиз. Уларнинг уқинида катта ҳақиқат бор. Ёшлик утиб кетди, ақл ва танга сайқал бериш имконияти бу пайтда йўқолди.

Адабиёт ва санъат, театр, кино инсонлар тақдирининг сон-саноксиз кечмишларини таъсирчан таҳлил этиб, сабоқ вазифасини утайди. Шу маънода спорт ҳам инсонни ёшлиқдан ўз ҳаракат ва билими билан пухталикка етаклайди. Зеро, ёшлиқдаги ўйин — ҳаётнинг бошланишидаги синодир. Унинг сабоқлари инсонни келажакда йўлдан адашмаслиги учун машғала бўлиб хизмат қилади.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон самарқандлик Мамажон Аҳмедов ҳам айнан умрини спортга бағишлаган кишилардан саналади. У киши 1996 йил Сиёб туманининг ўзи истиқомат қиладиган Оби-Машат қишлоғида Соғломлаштириш марказини ташкил этишда

бош-қош бўлганлардан бири. Зеро, бу маҳалла ултмишга назар ташласак, марҳум машҳур полвонлар Ҳожимухаммад полвон, Ҳамроқул полвон, Аҳмад полвон ва Маъруф полвонларнинг номларини куришимиз мумкин. Маҳалла ёшларини узида бирлаштирган Соғломлаштириш марказида ҳам ўтган кичка давр ичиде 18 та спорт устаси, учта Ўзбекистонда хизмат курсатган спорт устаси, учта юнон-рум кураши бўйича ва битта дзо-до бўйича Ўзбекистон чемпионолари этиштиб чиқди. Маҳалланинг бундай ютуқларга эришишида Мамажон аканинг улуши каттадир. Ҳозирда эса унинг уғиллари —



юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон чемпионолари — Худоёр ва Бехзод, кураш бўйича спорт устаси Шерзодлар 250 нафар ёшлар билан спортнинг юнон-рум, оғир атлетика турлари бўйича бепул машғуллар олиб бормоқдалар. Бугунга келиб Оби-Машат маҳалласининг 4 нафар ёш усмирлари Самарқанд Давлат университетининг жисмоний тарбия факультетида ўқимоқда. Марказ марҳум спортчи Аҳмад Ҳамроқул номида бўлганлиги боис, ҳар йили унинг хотирасига бағишлаб, халқаро мусобақалар ўтказилади.

Ўзбекистонда хизмат курсатган спорт устаси М.Аҳмедовнинг уйига ташриф буюрган одам у кишининг уй-музейини томоша қилиб, Мамажон акага ҳавас қилиши тайин. Шунинг учун булса керак, бугун мана шу музей асосида Самарқанд спорт музейи ташкил этилиши арафасида.

Бу халқсевар инсоннинг йўлга қўйган хайрли ишларидан бугун маҳалла аҳли ҳам миннатдор. Боиси, ҳар бир ота-она ўз фарзандларини буш вақтларида доимо ушбу спорт масканидан топади. Шу сабабли, маҳалла ёшлари ўртасида жиноятчилик кучасига қирган ёки ичкиликбозликка ружу

қўйганларни курмайсиз. Биз билан сўхбатда Мамажон ака ўз соғломлаштириш маркази ҳақида гапириш билан бирга яқинда “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қувонч билан тилга олди.

“Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган бу жамғарма айни пайтда энг долзарб воқеага айланди. Зеро, у болаларимизнинг келажакда соғлом, бақувват бўлиб камол топишларида катта туртки бўлади. Ҳозирда чекка-чекка қишлоқларда шарт-шароит йўқлиги ёки кунгилдаги деб бўлмаганлиги боис, ўз билимларини, тажрибаларини ёшларга ўргата олмаётган спорт мураббийлари бисёр. Уйлайманки, жамғарманинг вилоят ва туманларда ҳам бўлишлари фаолият юрити бошлагандан сўнг, албатта, муаммага дуч келган уша мураббийларнинг ҳам йўллари очилади. Ва улар ёшлар билан ишлаш бошлайдилар. Бунинг замирида эса соғлом авлод орузасига эришиш учун ҳисса қўшишдек олий мақсад ётади”, дейди М.Аҳмедов.

Камолуддин АЛИОХУНОВ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 31 октябрдаги 377-сонли қарори ижроси бўйича Навоий вилоятида ҳам ишлар бошлаб юборилди.

Вилоят ҳокимининг қарорига асосан Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий Навоий вилоят бўлими ташкил этилди. Ҳомийлик кенгашининг раиси этиб вилоят ҳокими Бахриддин Рўзиев сай-

ЖАМҒАРМАНИНГ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ТУЗИЛДИ

ланди. Таъкидлаш жоизки, болалар спортининг вилоятда равнақ топиши учун 60 дан зиёд ташкилот, идора, муассасалар ҳамда қўшма корхоналар болалар жамғармасининг таъсисчилари ҳисобланади. “Пахта”, “Асака”, “Миллий банк”, “Ўзбек-инвест” вилоят сўғурта шўъба корхонаси, “Юсинком”, “Галакс”, “Коском” шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятдаги 378 та мактабда 193 минг ўқувчилар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланади. Бундан ташқари вилоятдаги 26 та касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда эса 14600 нафар ёшлар спортнинг 29 тури билан ошно.

Ўткир ПЎЛАТОВ

II БОСҚИЧ ГОЛИБЛАРИ

Бошқа ҳудудлардаги каби пойтахтимизнинг Миробод тумани умумтаълим муассасалари ўқувчилари химоя қилдилар. Айниқса “миллионлар ўйини” номи олан футбол мусобақасида 175-мактаб болалари



ўртасида ҳам “Умид ниҳоллари” спорт ўйинларининг туман bosқичи зўр кўтаринкилик билан ўтди. Муросиз беллашувларда барча иштирокчилар ўз жамоалари шарафини муносиб

ҳаммадан кучли ва абжир эканликларини исботладилар ва 1-ўринни эгалладилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар 328-ва 125-мактаб жамоаларига насиб этди. Енгил атлетика бўйича бел-

лашган спортчи ўқувчилар орасида 160-мактаб вакилларига тенг келадигани топилмади. Шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи погоналарини 110-ва 31-мактаблар банд этдилар. Шунингдек, қўл тўпи бўйича голиблик 31-мактабга, сузиш бўйича эса 110-мактаб вакилларига насиб этди. Хуллас, шу тарихи бошқа турлар бўйича ҳам совриндорлар аниқ бўлди. Дарвоқе, мусобақаларни юқори даражада ташкил этишда Миробод туман ҳокимлиги, туман ХТБ, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими бош-қош бўлидилар. Шунингдек, беллашувларда иқтидорли ёш спортчиларни аниқлаш ва уларнинг спорт билан жиддий шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилди.


Паркент тумани мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган спорт мусобақалари қизиқарли ташкил этилаётганлиги билан ибратлидир.

Тумандаги мавжуд ўйингоҳлар ёшлар билан гавжумлашиб бормоқда. Яқинда “Тулбоғ” марказий ўйингоҳида “Умид ниҳоллари” спорт ўйинларининг иккинчи bosқичи бўлиб ўтди.

Унда спортнинг енгил атлетика тури бўйича тумандаги 16-мактаб жамо-

ПАРКЕНТЛИК СПОРТЧИЛАР

алари эстафета югуриш-баҳсларида 10-мактаб жамоаси биринчи, 31-мактаб



Ва беллашувларда таб жамоаси иккинчи, 9-1,2, 4-мактаб ўқувчилари жамоалари фаол қатнашдилар. Шунингдек, футбол

ИЛК БОСҚИЧ – ГУРУҲЛАРАРО БЕЛЛАШУВЛАР ЎТҚАЗИЛМОҚДА

Мамлакатимиз ўМҚХТ муассасалари ўқувчи-талабалари ўртасида ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган “Баркамол авлод” спорт ўйинларининг кейинги йили Андижонда бўлиб ўтадиган республика bosқичига саралаш мусобақалари қизгин тус олмақда. Мазкур ўйинларнинг I bosқичи — академик лицей ва касб-хунар кол-

“Barkamol avlod — 2003”

лежларининг ўзида “Баркамол авлод — 2003”га тайёргарлик тарзида ўтказилмоқда. Тошкент қўрилиш ва миллий хўнарманчилик касб-хунар коллежида ҳам ушбу нуфузли мусобақада фаол қатнашиш мақсадида гуруҳлараро баҳслар бўлиб ўтмоқда.

— Бугунгача спортнинг футбол, волейбол, сузиш ва енгил атлетика турлари бўйича қатор беллашувлар ниҳоясига етказилди, — дейди коллеж жисмоний тарбия мураббийси Руслан Раунов. — Галдаги вазибалар эса шахар bosқичида жиддий иштирок этиб, Андижонга йўллана олишдир. Бу борада коллежimizда қатор тайёргарлик ва синов машғулотлари ўтказилмоқда.

Ф.ЖАБИЕВ Суратларда: гуруҳлараро мусобақалардан лавҳалар акс этган.



Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар

БМТ ИНСПЕКТОРЛАРИ БАҒДОДДА

додда президентнинг сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси Амир Саад ва БМТ миссияларини мувофиқлаштириш бўйича миллий қўмита раҳбари Мухаммад Аминлар билан учрашдилар.

Ханс Бликснинг айтишича, илк текширувлар 27 ноябрь куни бошланади. Лекин тўлиқ назоратни йўлга қўйиш эса 8 декабрь куни расмий Бағдод БМТга ўзининг оммавий қирғин қуроллари ҳақида ҳисобот бергандан сўнггина йўлга қўйилади. Келгуси йилнинг 21 февраль кунига бориб эса инспекторлар яқиний хулосани хавфсизлик кенгашига тақдим этадилар. Бугун Бағдодга келган гуруҳ вакиллари 25 ноябрғача ўзларининг қолган ҳамкасблари келиб фаолият бошлашлари учун шартит яратадилар. Агарда текширувлар чоғида Ироқ томони 1441-резоляция қоидаларини бузса, у



нида жойлашган коммуникацион марказ иттифоқ самолётлари томонидан бомбардимон қилинган ва натижада 7 киши ҳалок бўлиб, 4 киши жароҳатланган. Америкаликларнинг фикрича, бу операция Ироқ армиясининг патрул хизмати

ди. Уз навбатида бу фикрга муносабат билдирган Саддам Хусайн маъмурияти эса Вашингтон ва Лондон ҳаво кучларининг мамлакат жанубида ҳаракатланишларини халқаро ҳуқуқ нормаларига зид деб ҳисоблайди. Музокараларни бошлаб юборган Ханс Бликс ва БМТнинг бошқа вакиллари эса Ироқнинг АҚШ самолётларига ҳужумини 1441-резолюцияга риоя қилмаслик эмас деган фикрдалар.

Араб давлатлари лигасига қирувчи Сурия ва Миср президенти Башар Асад ва Хусни Мубораклар ҳам Ироқ муаммоси тинч йўл билан ҳал этилиши зарурлигини билдирганлар. Узаро учрашув чоғида икки давлат раҳбарлари Яқин Шарқда барқарорликни сақлаш учун ягона йўл резоляцияга амал қилиш эканлигини таъкидлаганлар.

Бухоро вилояти Қорақўл тумани Рустамов Аъзам номига олинган яқна тартибдаги тадбиркорлик юмалоқ муҳри ва бурнак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКРОК ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касбаба уюшмаси қўмитаси ва ҳуқуқшунослик факультети жамоаси декан мовини, доцент Д.Аҳмедовга отаси Бердир АХМЕДОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

